

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03.30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТАЖИБОЕВ ҒОЛИБЖОН ҒУЛОМЖОНОВИЧ**

**ТИКАНЛИ КОВУЛ (*CAPPARIS SPINOSA L.*) ДОРИВОР ЎСИМЛИГИ  
МЕВАСИНИ ҚУРИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.17- Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,  
саклаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)**

<b>Тажибоев Ғолибжон Ғуломжонович</b>	
Тиканли ковул « <i>Capparis spinosa L.</i> » доривор ўсимлиги мевасини курутиш технологияси .....	3
<b>Тажибоев Ғолибжон Ғуломжонович</b>	
Технология высушивания плода лекарственного растения каперсы колючего « <i>Capparis spinosa L.</i> » .....	21
<b>Тажибоев Ғолибжон Ғуломжонович</b>	
Drying technology fruits of the medicinal plant prickly capers « <i>Capparis spinosa L.</i> ».....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b>	
Список опубликованных работ Last of published works.....	42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 03.30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТАЖИБОЕВ ҒОЛИБЖОН ҒУЛОМЖОНОВИЧ**

**ТИКАНЛИ КОВУЛ (*CAPPARIS SPINOSA L.*) ДОРИВОР ЎСИМЛИГИ  
МЕВАСИНИ ҚУРИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,  
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/T2465 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.pharmi.uz](http://www.pharmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Иногомов Собитжон Ёқубжонович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Додаев Қочқор Одилевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Ғофуров Карим Хакимович**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03.30.12.2019.T.04.01.рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «12» 04 соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871) 244-79-21, факс: (99871) 244-79-17; e-mail:[teti\\_info@edu.uz](mailto:teti_info@edu.uz). Тошкент кимё-технология институти Мавмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс Марказида танишни мумкин (№\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871) 244-79-21.

Диссертация автореферати 2023 йил «13» сентябр куни тарқатилди.  
(2023 йил «13» сентябр даги № 304 - рақамли реестр баённомаси).



**С.И. Туробжонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Х.И. Кадров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

**Қ.П. Серкаев**

Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда доривор ўсимликларни қайта ишлаш орқали олинган маҳсулотлардан косметика, озиқ-овқат, тиббиёт ва фармацевтика саноатида фойдаланиш йилдан йилга ошмоқда. Доривор ўсимлик хомашё ресурсларига бўлган талаб ошганлиги сабабли маданий ҳолда етиштириш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш усуллари ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири бўлиб, меваларини қуритиш технологияларини такомиллаштириш ва амалиётга татбиқ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда, озиқ-овқат саноати учун биологик қўшимчалар билан бойитилган юқори сифатли қуритилган яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, ўзига хос физик-кимёвий хусусиятлари сақланган қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва фармацевтик маҳсулотларини қайта ишлаш, самарали қуритиш қурилмаларини қўллаш орқали сақлаш ва дастлабки қайта ишлашнинг жадаллаштирилган технологияларини яратиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда мева-сабзавот маҳсулотларини қуритишнинг самарали техника ва технологияларини ишлаб чиқиш бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «саноатни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий доривор ўсимликлар, жумладан тиканли ковул «*Capparis Spinosa L.*» меваси таркибидаги биологик фаол қўшимчалар, витаминлар, макро- ва микроэлементларни сақлаган ҳолда қуритишнинг мақбул шароитларини ишлаб чиқиш, қуритилган мевадан сувли ва спиртли экстрактлар олишнинг энергия ва капитал сарф харажатларни камайтириш имконини берувчи кам босқичли, узлуксиз, маҳаллий реагентлардан фойдаланилган жараёнларни жорий қилиш билан технологияларини мақбуллаштириш орқали фармацевтика саноатини доривор ўсимлик хомашёларига бўлган талабини қондириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги, 2017 йил 3 майдаги ПФ-5032-сонли «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бустонлиқ-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида» ги, 2018 йил 14 февралдаги ПФ-3532-сонли «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сонли «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сонли

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармони

«Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва фармацевтика, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилди.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Доривор ўсимликлар хомашёларини маданий ҳолда етиштириш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш усулларини ишлаб чиқиш, меваларини қуритиш технологияларини такомиллаштириш ва амалиётга татбиқ қилиш бўйича М. Аккурф, Д. Баҳрус, Б. Бала, А.К. Атыханов, А.В. Лыков, А.С. Гинзбург, Б.Дж. Бабаев, В.В. Красников, С.Г. Ильясов, В.В. Кафаров, Б.С. Сажин, К.М. Хазимов, Р.А. Захидов, Н.Р. Юсупбеков, З.С. Салимов, О.Ф. Сафаров, Ж.М. Қурбанов, Х.Ф. Джураев, Н.Р. Аvezова, А.А. Артиков, Қ.О. Додаев, З.С. Искандаров, С.А. Лутпуллаев, Ж.Э. Сафаров, Х.С. Нурмухамедов ва бошқалар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Улар томонидан озиқ-овқат саноати учун биологик қўшимчалар билан бойитилган юқори сифатли яримтайёр маҳсулотлар олиш жараёнлари ишлаб чиқилган, мева-сабзавот маҳсулотларини қуритишнинг самарали усулларини қўллаш бўйича тавсиялар берилган ҳамда технологиялари амалиётга жорий қилинган.

Булардан ташқари қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва фармацевтика маҳсулотларини қайта ишлаш қурилмаларининг такомиллашган конструкцияларини яратиш, қуритиш жараёнларининг мақбул режимларини аниқлаш, замонавий технологиялар базасида тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» мевасини қайта ишлашнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

**Диссертация ишининг диссертация бажарилган олий таълим муассасинининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг БВ-А-ҚХ-2018-424 «Умумий овқатланиш корхоналари учун мева сабзавотлар хомашёсидан соус яримфабрикатлари технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги (2018-2020 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий доривор ўсимлик - тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» мевасини қуритишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

доривор ўсимлик тиканли ковулнинг сархил меваси ва қуритиб олинган куқунининг кимёвий таркибини тадқиқ этиш;

тиканли ковул мевасини қуритишнинг мақбул шароитларини аниқлаш;  
тиканли ковул мевасини кесиш ўлчамлари, қуриш вақти ва намлик ажралиб чиқиш динамикасини тадқиқ этиш;

озик-овқат маҳсулоти учун мўлжалланган биологик фаол қўшимча - ковул кукунининг хавфсизлик мезонларини тадқиқ этиш;

ковулни қуритиб қайта ишлаш имкониятларини баҳолаш ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

доривор ўсимлик-тиканли ковул мевасини қуритишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида маҳаллий доривор ўсимлик тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*»нинг меваси ва унинг асосида олинган ярим тайёр маҳсулотлар (биологик фаол қўшимча) шунингдек, витаминлар, макро- ва микроэлементларга бой экстрактлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** қуритилган тиканли ковул мевасининг биологик ва органолептик хусусиятларини аниқлаш ва ишлаб чиқариш технологиясининг самарадорлигини баҳолашдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда амалдаги стандартларга мос доривор ўсимликларни таҳлил қилишнинг замонавий усуллари, олинган тажрибавий маълумотларни статистик қайта ишлашнинг аналитик услублари, шунингдек хомашё ва тайёр маҳсулотларни таҳлил қилишда Smart SEM дастурланган сканерли электрон микроскоп, юпқа қатламли хромотографиядан фойдаланилган.

**Тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий доривор ўсимлик-тиканли ковул «*Capparis Spinosa L.*» мевасини  $70\pm 2^\circ\text{C}$  да қуритилган уруғи таркибидаги рутин 0,29 %, кверцетин 0,57 % сақланиши исботланган;

тиканли ковул доривор ўсимлиги мевасининг кимёвий таркиби аниқланиб, стероидли сапонинлар, аскорбин кислотаси, қандлар, мирозин ферменти, қизил пигмент, йод, эфир мойлари, ёғлар, органик кислоталар сақлаши исботланган;

тиканли ковул доривор ўсимлиги мевасини  $70\pm 2^\circ\text{C}$  да қуритиш намуна юзасининг бир жинслилик даражасини таъминлаб, сувли экстрактида қуруқ модда миқдори 15,58 %, этил спирти экстрактида 16,17 % эканлиги аниқланган;

тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» доривор ўсимлиги меваси кукунида  $\text{V}_1$ ,  $\text{V}_2$ ,  $\text{V}_6$  ва  $\text{V}_{12}$  витаминлари мавжудлиги исботланиб, зиравор иштаха очувчи биологик қўшимча эканлиги асосланган:

маҳаллий доривор ўсимлик - тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» мевасини қуритишнинг самарали технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотни амалий натижалари:**

тиканли ковул мевасини қуритишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

қуритилган тиканли ковул мевасидан биологик фаол қўшимча олиш мақбул шароитлари аниқланган;

тиканли ковул «*Capparis Spinosa L.*» мевасини қуритиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усулларини қўллаш, тиканли ковул «*Capparis Spinosa L.*» мевасидан олинган биологик фаол қўшимчаларнинг асосий сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали, шунингдек витаминлар, макро - ва микроэлементларга бой фармацевтик кукунлар ишлаб чиқаришнинг тажриба-синов тадқиқот натижалари орқали исботланган.

**Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти доривор тиканли ковул «*Capparis Spinosa L.*» мевасидан таркибидаги витаминлар, макро- ва микроэлементларнинг миқдорлари сақланиб қолувчи кукун олишга асосланлиги, ҳамда статистик моделлаштиришнинг Лагранж ва Ньютон инетрполяция формулаларидан фойдаланиб ҳисоблаш асосида келтириб чиқарилган назарий қийматлари ва амалий натижаларнинг адекватлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти қуритишнинг технологик усуллари яратилганлиги, тиканли ковулни дастлабки ишлов беришни мақбул режимини танлаш, витаминлар, макро- ва микроэлементларга бой биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқаришнинг самарали технологиясини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» доривор ўсимлик мевасини қуритиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» доривор ўсимлик мевасини қуритиш технологияси «NAM SIB Agro Biznes» МЧЖ Ўзбек-Россия ҚКнинг «2023-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмаси»нинг 2022 йил 22 май 25-62/05-22-сон маълумотномаси). Натижада, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида фойдаланилувчи биологик фаол қўшимча - зиравор ишлаб чиқариш имконини берган;

Тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» мевасини қуритиш билан дори воситаси тайёрлаш учун хомашё ишлаб чиқариш технологияси «AFRUZ KAMOL NABI» МЧЖ нинг «2023-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмаси»нинг 2022 йил 22 май 25-62/05-22-сон маълумотномаси). Натижада, фармацевтика саноати учун импорт қилинувчи ковул мевасининг қуритилган кукунини тўлиқ алмаштириш имконини берган.

**Тақиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та Ҳалқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши бўйича жами 25 та илмий ишлар чоп этилган, шундан Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган журналларда 6 та мақола, халқаро журналларда 4 та мақола, Республика илмий журналларида 3 та мақола нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, 4 та

боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмидан иборат. 110 бет матндан иборат бўлиб, ишда 22 та расм ва 24 та жадваллар келтирилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Доривор ўсимликлар ва уларни озик-овқат, фармацевтика саноатларидаги аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» доривор ўсимлигини ҳалқ табобатида ва илмий тиббиётда ишлатилиши, улардан олинган препаратларнинг синтетик воситаларга нисбатан афзаллиги, биологик фаол кўшимчалар тушунчаси, уларнинг тарихи ва бугунги кундаги ҳолати, инсон саломатлигини сақлашда ва тиклашда аҳамияти кўрсатилган. Шу билан бирга тиканли ковул доривор ўсимлигини таркибини ўрганиш бўйича чет эл адабиётларида ва илмий журналларда чоп қилинган маълумотлар, замонавий фармацевтика саноатида тутган ўрни ва ҳозирги кунда тиканли ковул доривор ўсимлигини ўрганиш бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари тўғрисида адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг «**Изланиш объектлари, олинган моддаларнинг физик-кимёвий хоссалари, олиниш ва тадқиқ қилиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар учун танланган хомашё, унинг кимёвий таркибини ўрганиш усуллари, тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» мевасини лаборатория шароитида қуритиш бўйича, мақбул қуритиш ҳароратини аниқлаш ҳамда статистик моделлаштириш асосидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тиканли ковул доривор ўсимлиги мевасини таркиби ва уни ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида объект сифатида танлаб олинган тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» доривор ўсимлиги мевасини қуритиш технологияси ва турли ҳароратларда қуритилган меванинг таркибини ўрганиш натижалари ёритиб берилган. Тиканли ковул ареали кенг бўлган, Республикаимизнинг Наманган, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент ва Жиззах вилоятларида жуда кенг тарқалган доривор ўсимлик ҳисобланади. Наманган вилоятида табиий ҳолда ўсадиган тиканли ковул доривор ўсимлиги таркибида: витаминлардан ташқари уни фойдали хусусиятларини намоён этувчи микроэлементлар: темир, калий, натрий, магний, рух, селен, мис, марганец, фосфор, кальций ва макроэлементлар ташкил этади. Тиканли ковул доривор ўсимлиги меваси таркибида стероидли сапонинлар, аскорбин кислотаси, қандлар, мирозин ферменти, қизил пигмент, эфир мойлари ва ёғлар, йод, органик кислоталар мавжуд бўлиб, улар турли касалликларни даволаш

учун дори воситалари олишда қўллаш мумкин. Тиканли ковул доривор ўсимлиги мевасини 70-80 % етилган даврда териб олиб, бегона аралашмалардан тозаланиб, 5,6 ва 7 мм қалинликларда кесилиб, лаборатория шароитида қуритиш шкафида 40, 60, 80, 100 ва 120°C ҳароратларда қуритилди, қуритилган мевалар таркибидаги биофаол моддалар органик эритувчилар ёрдамида ажратиб олинди ва уларни миқдори аниқланди. Турли ҳароратларда қуритилган тиканли ковул доривор ўсимлиги мевасини 70% ли спиртда ва тозаланган сув билан 2 марта экстракция қилинди ва 60-80°C ҳароратда экстрактларни қиздириб эритувчини учуриб юбориш орқали қуруқ экстракт ажратиб олинди. Ҳосил бўлган қуруқ экстракт миқдори, ўртача ҳисобда 70 % ли спирт учун 16,17% га, тозаланган сувли экстракт учун эса 15,58% га тенг эканлиги аниқланди. Қуритилган тиканли ковул мевасининг таркиби икки қисмга ажратилган ҳолда ўрганилди. Тиканли ковул ўсимлиги мевасининг пўст қисмини сканерли электрон микроскоп усули бўйича олинган элементлар таркиби 1-жадвалда келтирилган.

Сканерли электрон микроскоп натижаларидан шу нарсани кузатиш мумкинки, қуритиш ҳарорати ошиб бориши билан юза қисмида бир жинслилик даражаси ўзгариб бориши ва ҳарорат 100°C, 120°C бўлганда намуналарнинг бир оз қорайиб куйиш жараёни кузатилди. 60-80°C ҳарорат оралиқларида эса намуналарнинг юза қисми тасвирларида бир хиллик ва бир жинслилик даражасига эга бўлиши аниқланди. Турли ҳароратда қуритилган тиканли ковул доривор ўсимлиги мевасининг пўст қисмидаги бундай ўзгаришларни унинг элементлар ўзгариши орқали тасдиқланди (1-жадвал). Қуритилган тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» доривор ўсимлиги мевасининг пўст қисмини таркибини элементар ўрганиш натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, юқори ҳароратда намуналарни куйиш жараёни натижасида элементлар таркибини ва уларнинг миқдорий қийматларини ўзгаришини 1-жадвалда яққол кузатиш мумкин. Жадвалдан кўриш мумкинки, доривор ўсимлик мевасини пўст қисмини қуритиш ҳарорати 60-80°C оралиғида максимал элементар таркибга ва уларнинг миқдорий қийматларига эга эканлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

**Тиканли ковул пўсти таркибидаги элементлар миқдорини турли қуритиш ҳароратларида ўзгариши**

Мева таркибидаги элементлар	Турли қуритиш ҳароратида (°C) элементлар миқдори, % ҳисобида				
	40	60	80	100	120
Натрий	0.13	0.08	0.08	0.08	0.08
Магний	0.28	0.28	0.27	0.27	0.27
Кремний	0.20	0.11	0.11	0.10	
Фосфор	0.25	0.12	0.12	0.12	0.07
Алюминий	-	0.06	0.21	0.21	
Олтингугурт	1.39	0.95	0.81	0.46	0.14
Калий	5.26	5.30	5.05	5.14	5.12
Кальций	0.33	0.14	0.11	0.28	0.28
Темир	0.18	0.18	0.17	0.17	0.17
Умумий миқдор	8.2	7.22	6.93	6.83	6.13

Бу қуритиш ҳароратида доривор ўсимликларни элементар таркибининг миқдорий қийматлари масса улуши миқдорида қуйидаги қийматларга тенг эканлиги аниқланди (%). Мос ҳолда 60°C да: Na-0.08; Mg-0.28; K-5.30; Ca-0.14 ва 80°C да: Na-0.08; Mg-0.27; K-5.05; Ca-0.11 тенг эканлигини 1-жадвалдан кўриш мумкин. Шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, доривор ўсимликлар меваларини қуритиш ҳарорати хомашёнинг тури, қуритиш мақсади ва унинг таркибидаги микро- ва макроэлементлар ва витаминларнинг турларини эътиборга олган ҳолда белгиланади. Тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» доривор ўсимлиги мевасини таркибидаги элементларни миқдорий қийматларини ўзгариши 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

**Тиканли ковул мевасини ички қисмининг элементлар миқдорини турли қуритиш ҳароратларида ўзгариши**

Мева таркибидаги элементлар	Турли қуритиш ҳароратида (°C) элементлар миқдори, % ҳисобида				
	40	60	80	100	120
Натрий	0.26	0,24	0,22	0.22	0.20
Магний	0.25	0.24	0.20	0.17	0.12
Кремний	0.09	0,08	0,06	0.08	0.08
Фосфор	0.54	0.55	0.49	0.49	0.20
Олтингурут	1.50	1.49	1.32	1.31	0.28
Калий	1.46	1.22	1.14	1.14	1.12
Кальций	1.32	1.20	1.18	1.18	1.20
Темир	0.47	0.44	0.42	0.42	0.41
Умумий миқдор	5.89	5.46	5,03	5.01	1.71


Бу қуритиш ҳароратларида доривор ўсимликлар элементар таркибининг миқдорий қийматлари масса улуши миқдорида қуйидаги қийматларга тенг эканлиги аниқланди: 60°C да Na-0.24; Mg-0.24; K-1.22; Ca-1.20; ва 80°C да: Na-0.22; Mg-0.20; K-1.14; Ca-1.18. Шундай қилиб, тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*»доривор ўсимлиги меваси турли ҳароратда қуритилганда янги терилган мевадаги каби микро-, макроэлементлари ва витаминларни сақланиб қолиши аниқланди ва 70±2°C ҳароратда қуритилган меваларни таркибидаги дориворлик хусусиятини намоён қилувчи микро- ва макроэлемент ва витаминларни миқдори максимал даражада сақланиб қолиши кўрсатиб берилди. Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*»доривор ўсимлиги меваси қуқуни таркибида инсон организми учун зарур ва соғлиқни тиклаб берувчи В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub> ва В<sub>12</sub> витаминларини зиявор таркибида юқори миқдорда мавжудлиги маҳсулотнинг биологик кўрсаткичларини сезиларли даражада оширади (3-жадвал).

3-жадвал

**Тиканли ковул меваси қуқуни таркибидаги витаминлар миқдори**


№	Маҳсулот номи	Витаминлар миқдори, мг/100мл							
		Ҳона ҳароратида				70±2°C ҳароратда			
		В <sub>1</sub>	В <sub>6</sub>	В <sub>2</sub>	В <sub>12</sub>	В <sub>1</sub>	В <sub>6</sub>	В <sub>2</sub>	В <sub>12</sub>
1	Тиканли ковул қуқуни	0,77	1,34	0,24	0,05	2,2	2,12	0,86	0,17

Тиканли ковул доривор ўсимлиги мевасини кукуни озиқ-овқат маҳсулотлари учун зиравор сифатида қўлланилганда унинг таркибидаги витаминлар муҳим роль ўйнайди.



**1-расм. Тиканли ковул меваси уруғининг таркибидаги рутин миқдорини аниқлаш хроматограммаси**

Тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» доривор ўсимлиги мевасининг уруғи таркибидаги рутин, кверцетин флаваноид миқдорлари юқори самарали суюқлик хроматография усулида аниқланди (1- ва 2-расмлар).



**2-расм. Тиканли ковул меваси уруғининг таркибидаги кверцетин миқдорини аниқлаш хроматограммаси.**

Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, тиканли ковул ўсимлиги мевасининг уруғи таркибидаги рутин миқдори 0,29 % ни, кверцетин миқдори эса 0,57 % ташкил этиши аниқланди. Тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» мевасини оптимал қуритиш параметрларини аниқлаш мақсадида тиканли ковул доривор ўсимлиги мевасини бўйлама кесилганда 60, 70 ва 80°C ҳароратларда ва доира шаклда 5, 6 ва 7 мм қалинликда кесилгандаги намуналарни қуриш вақтини аниқлаш бўйича тажрибалар олиб борилди (4-жадвал). Тиканли ковул доривор ўсимлиги мевасини турли ҳароратларда ва ҳар хил ўлчамларда қуритиш бўйича тажриба натижалари шуни кўрсатдики, назарий маълумотларга мос ҳолда қуритиш ҳарорати ошиб бориши билан, тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» доривор ўсимлиги мевасини қуриш вақти камайиб бориши кузатилди. Тиканли ковул доривор ўсимлиги мевасини бўйлама кесганда қуритиш ҳарорати ошиб бориши билан намуналарни қуриш вақти бир мунча узокроқ давом этишини ва мос ҳолда 60, 70 ва 80°C ҳароратларда 40x10 мм қалинликда кесилган намуналар учун 133,9; 110,5 ва 96,2 минутга тенг эканлиги аниқланди. Бу натижалар бўйлама кесилган тиканли ковул доривор ўсимлиги меваларининг қалинлиги 50x10 мм ва 60x10 мм бўлган ҳолатлар учун янада ошиб бориши кузатилди. Тиканли ковул доривор ўсимлиги

мевасини доирасимон шаклда кесилган намуналарини 40, 60 ва 80°C ҳароратларда қуритилганда органолептик кўрсаткичлари жиҳатдан нормал ҳолатда қуриши кузатилди. Доирасимон шаклда кесилган тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» доривор ўсимлиги мевасини кесиш қалинлиги 5,0 мм бўлганда намуналарнинг ўртача қуриш вақти мос ҳолда 60°C ҳароратда -103 минутга, 70°C - ҳароратда -85 минутга, ва 80°C ҳароратда -73 минутга тенг эканлиги аниқланди. Тиканли ковул доривор ўсимлиги мевасини доирасимон кесиш қалинлиги 6,0 мм бўлганда намуналарнинг ўртача қуриш вақти мос ҳолда, 60°C ҳароратда -123 минутга 70°C ҳароратда -100 минутга ва 80°C ҳароратда -94 минутга ва 7,0 мм қалинликда доирасимон шаклда кесилган намуналар учун эса ўртача қуриш вақти мос ҳолда, 60°C ҳароратда -139,3 минутга 70°C ҳароратда -121,6 минутга ва 80°C ҳароратда -109,6 минутга тенг эканлиги аниқланди. Ўтказилган тажриба натижаларига асосан 5,0 мм қалинликда доирасимон шаклда кесилган тиканли ковул доривор ўсимлиги мевасини қуриш давомийлиги 6,0 ва 7,0 мм қалинликда кесилган намуналарга нисбатан 20-30 % гача ва доирасимон шаклда кесилган намуналарни бўйлама шаклда кесилган намуналарга нисбатан ўртача қуриш давомийлиги 30-32 % га камайишини 4-жадвалдан кузатиш мумкин. Тиканли ковул мевасини қуритишдаги доирасимон шаклдаги кесиш қалинлиги 5 мм бўлганда ва қуритиш ҳарорати 60-80°C бўлганда намуналарни бир текис қуриши тажрибаларда аниқланди. Шундай қилиб, тиканли ковул доривор ўсимлиги мевасини доира шаклда 5 мм ўлчамда кесилганда қуритиш вақти ўрта ҳисобда 60-80°C ҳароратда 85-103 минутни ташкил қилиши аниқланди. Юқоридаги олинган натижаларни тўлдириш ва тасдиқлаш мақсадида тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» доривор ўсимлиги мевасини доира шаклда қуритилганда турли қуритиш ҳарорат (20°C; 40°C; 60°C; 80°C; 100°C; 120°C;) ларида намлик ажралиб чиқиш динамикаси ўрганилди (3-расм). Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, тиканли ковул доривор ўсимлиги мевасини хона ҳароратидаги (30°C да) қуриш вақти 72-74 соат давом этиши аниқланди.


#### 4-жадвал

**Тиканли ковул мевасини бўйлама ва доира шаклда кесилганда турли ҳароратларда қуритиш натижаларининг миқдорий нисбатлари**

Қуритиш ҳарорати	Кесиш қалинлиги, мм	Қуриш вақтлари нисбати (бўйлама кесилган / доира шаклда кесилган) %
60°C	5	133, /103=1,32
	6	159,9/123,0 =1,31
	7	178,8/139,3=1,29
70°C	5	110,5 85=1,31
	6	130 96= 1,32
	7	158,1/121,6 =1,31
80°C	5	96/73 =1,31
	6	123,5/94 =1,31
	7	143,4/109,6 =1,30

Бунда бошланғич олинган тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» доривор ўсимлиги мевасининг 100% олинган массасига нисбатан охириги абсолют модда массаси 24-26 % ни ташкил қилади. Бундан келиб чиқадики, 74-76 % масса

доривор ўсимлиги меваси таркибидаги сув миқдорини билдиради. Қуритиш ҳарорати ошиб бориши билан доира шаклда кесилган меваларни қуриш вақти камайиб бориши аниқланди ва 60 ва 80°C ҳароратларда, лаборатория шароити учун қуриш вақти мос ҳолда 15 ва 13 соат эканлиги кўрсатиб берилди (3-расм).



**3-расм. Тиканли ковул мевасини қуритишда намлик ажралиб чиқиш динамикаси.**

Шундай қилиб, тиканли ковул мевасини органолептик кўрсаткичлари, таркибидаги микро- ва макроэлементларни яхши ҳолатда сақланиши орқали ўзининг дориворлик хусусиятини сақлаб қолиши ва намуналарни бир текис қуришини ҳисобга олган ҳолда мевани қуритиш бўйича оптимал ҳарорат 70±2°C деб белгиланди.

Диссертация ишида тиканли ковул доривор ўсимлик мевасини қуритишни оптимал ҳароратини аниқлашнинг тажриба ёрдамида олинган миқдорий қийматларини статистик моделлаштириш асосида тасдиқлаш ва бир-бирига мос келиши ўрганилди. Тиканли ковул доривор ўсимлиги мевасини қуритишнинг оптимал ҳароратини аниқлашнинг тажриба натижалари 4-5-расмларда келтирилган. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, доривор ўсимлик мевасини очик ҳавода, соя, салқин шароитда (25-30°C) қуритилганда қуриш вақти 72-74 соат давом этишини, тезкор усулда қуритилганда эса қуриш вақти мос ҳолда, 40°C да - 24 соатда, 60°C да - 15 соатда, 80°C да - 12 соатда, 100°C да - 7 соатда ва 120°C да эса 5-6 соатда қуриши аниқланди. Олинган натижалар асосида тиканли ковул доривор ўсимлиги мевасини бир текис, мақбул қуритиш ҳарорати 60-80°C га тенг эканлиги кўрсатиб берилди. Бу тажриба натижалари асосида Лагранж ва Ньютон интерполяция формулаларидан фойдаланиб ва регрессия тенгламаларини танлаб ҳар бир тажриба учун унинг статистик модели аниқланди. Тажриба натижаларидаги нуқталар сони кўплиги ҳамда уларни жойлашишига қараб экспоненциал кўринишдаги ва полином кўринишдаги регрессия тенгламалари танланди:

- 1)  $y = a \cdot \exp(-b \cdot t)$  - экспоненциал функция кўринишида;
- 2)  $y = a_0 t^n + a_1 t^{n-1} + a_2 t^{n-2} + a_3 t^{n-3} + \dots + a_{n-1} t + a_n$  - полином кўринишида.

Кичик квадратлар усули билан экспоненциал модел кўринишидаги номаълум бўлган  $a$ ,  $b$  коэффициентлар ва полином кўринишидаги регрессия тенгламасидан  $a_0, a_1, a_2, \dots, a_n$  коэффициентлар аниқланди. Регрессия тенгламаси полином кўринишида бўлиб ва полином даражаси  $n=2,3,4,5\dots$  бўлган қийматлар бўйича аниқланган статистик модел таҳлил қилинганда, тажриба нуқталари сони кўп бўлганда, полиномнинг 2,3 ва 4 даражаларидаги модел графиклари тажриба нуқталари устидан ўтиб, юқори аниқлик даражаларини берди (№ 1,2,3,6). Тажриба нуқталари сони камроқ бўлганда, полиномнинг 3,4,5 ва 6 даражалари бўлгандаги статик моделлар олинди (№3,4). Бу ҳоллардаги барча статистик модел ва тажриба натижалари орасидаги хатолик 1% дан кам эканлиги аниқланди.

$$y = 0,027x^2 - 3,0658x + 102,41R^2 = 0,9962 \quad (1)$$

$$y = 0,0007x^3 - 0,0137x^2 - 2,4003x + 100,22R^2 = 0,9976 \quad (2)$$

$$y = 2E-06x^4 + 0,0005x^3 - 0,0099x^2 - 2,435x + 100,29R^2 = 0,9976 \quad (3)$$

Статистик моделлаштириш асосида тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» доривор ўсимлиги мевасини қуритишни мақбул ҳароратини аниқлашда хона ҳароратида (2 ва 3 тенгламалар) ва қуритиш ҳарорати 40°C да (5 ва 6 тенгламалар), 60°C да (8 ва 9 тенгламалар) ва 80°C да (11 ва 12 тенгламалар) полином даражаси  $n=3$  ва ундан юқори бўлганда графиклар деярли полином даражаси  $n=2$  га тенг бўлган графиклар билан бир хил қийматларга эга эканлиги аниқланди ва доривор ўсимлик мевасини  $t=60$  ва 80°C ҳароратда қуритишнинг тажриба ва полином даражалари  $n=1,2$  ва 3 тенг бўлган статистик моделлаштириш асосидаги боғланиш натижалари ўзаро мос тушиши аниқланди (4- ва 5-расмлар).

$$y = 0,1909x^2 - 6,9285x + 90,369R^2 = 0,9908 \quad (4)$$

$$y = -0,0099x^3 + 0,4762x^2 - 9,111x + 93,698R^2 = 0,9957 \quad (5)$$

$$y = 0,0015x^4 - 0,0694x^3 + 1,2185x^2 - 12,295x + 96,692R^2 = 0,9983 \quad (6)$$

$$y = 0,6298x^2 - 13,119x + 93,631R^2 = 0,9868 \quad (7)$$

$$y = -0,0494x^3 + 1,6217x^2 - 18,391x + 99,269 \quad R^2 = 0,9979 \quad (8)$$


$$y = 0,003x^4 - 0,1293x^3 + 2,3162x^2 - 20,489x + 100,71R^2 = 0,9983 \quad (9)$$

$$y = 0,8946x^2 - 15,072x + 88,222R^2 = 0,9642 \quad (10)$$


$$y = -0,1098x^3 + 2,7751x^2 - 23,618x + 96,118R^2 = 0,9874 \quad (11)$$

$$y = 0,0159x^4 - 0,4767x^3 + 5,5045x^2 - 30,725x + 100,45R^2 = 0,9908 \quad (12)$$

Қуритишни мақбул ҳароратини аниқлашнинг амалий натижаларини Лагранж ёки Ньютон инетрполяция формулаларидан фойдаланиб ҳисоблаш асосида келтириб чиқарилган қуритиш ҳароратининг назарий микдорий қийматларини бир-бири билан мос келиши статистик моделнинг адекватлигини кўрсатиб беради.



**4-расм. Тиканли ковул-«*Capparispinnosa L.*» доривор ўсимлиги мевасини  $t=60^{\circ}\text{C}$  ҳароратда қуритишнинг тажриба ва полином даражалари  $n=1,2$  ва 3 тенг бўлган статистик моделлаштириш асосидаги боғланиш натижалари.**




**5-расм. Тиканли ковул-«*Capparispinnosa L.*» доривор ўсимлиги мевасини  $t=80^{\circ}\text{C}$  ҳарорат қуритишнинг тажриба ва полином даражалари  $n=1,2$  ва 3 тенг бўлган статистик моделлаштириш асосидаги боғланиш натижалари**

Бу адекватлик тиканли ковул доривор ўсимлигини мевасини қуритишнинг  $60-80^{\circ}\text{C}$  ҳароратларда янада аниқроқ, яъни назарий маълумотлар билан амалий маълумотларни тўлиқ мос келганлиги учун тиканли ковул доривор ўсимлигини мевасини қуритиш ҳарорати деб белгиланди.

Диссертациянинг «**Тиканли ковул доривор ўсимлиги мевасини қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш**» деб номланган тўртинчи бобида объект сифатида танлаб олинган тиканли ковул мевасини қуритиш технологияси ишлаб чиқилди. Тиканли ковул доривор ўсимлиги мевасини лентали транспортёр қуритиш камераларидан иборат бўлган қуритиш қурилмасидан фойдаланилди. Бу қурилманинг технологик схемаси 6-расмда тасвирланган. Қуритиш қурилмаларининг асосий таъсир этувчи агенти қиздирилган ҳаво ҳисобланади. Қуритгичлар бир-биридан қуритиш агенти-ёқилган газ ва ҳаво аралашмаси ёки қиздирилган ҳаво услуби ва уни хомашёга бериш усулига кўра фарқ қилади. Қуритгич ишининг ҳарорат тартиботи поғонали тавсифга эга. Қуритгич иссиқлик қуввати  $250000$  ккал/соат

бўлган тўртта ТГ-2,5А иссиқлик генераторларидан иссиқлик энергияси олади. Вентиляторлар қуриштиш камерасига 1,5 м/с тезликда қизиган ҳавони ҳайдайди. Камера ичида транспортёр тасмалари жойлашган.



**1-хомашёни FAM кесиш машинаси, 2-кесилган хомашё 3-ковшли транспортёр, 4-хомашёни қабул қилувчи, 5-етақловчи барабан, 6-хаво сўриш вентиляторлари 7-лентали конвеер, 8-калорифер (иссиқ наво), 9-иссиқлик генератори 10-қуриштилган хомашёни тушириш сизими. 11-иссиқлик генераторига иссиқ хавони қайта тиклаш.**

Юклама транспортёрлар ёрдамида юқориги тасмага хомашё келиб тушади (бир қатор қалинликда). Бу қуриштиш мосламасида дифференцияланган поғонали ҳарорат тартиботи ўрнатилган. Дастлабки босқичда 90°C иссиқ ҳаво ҳарорати лентали қуриштигичда юқоридан пастга ҳаракатланиб, энг пастки тасмадан (бешинчи) ўтар экан, хомашё ҳарорати 60-70°C га тушади. Қуриштиш линияси табиий газ ёрдамида ишлайди. Камера ҳароратини 40°C дан 150°C гача ошириб бориши мумкин. Тиканли ковул доривор ўсимлик хомашёсини қуриштиш учун қабул қилиш, қуриштишга тайёрлаш, қуриштиш, стандарт ҳолига келтириш, қадоқлаш, асосий технологик жараёнлардан биридир. Тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» доривор ўсимлик мевасини ишлаб чиқариш шароитида қуриштишда асосий техника иқтисодий кўрсаткичлари ва уни қуриштишдаги бирламчи, олдиндан ҳисобланган иқтисодий самарадорлик 20 млн сўм/т эканлиги ҳисоблаб чиқарилди. Тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» доривор ўсимлигининг меваси қуришилди ва қуришилган мевалар майда кукун ҳолатга келтирилди. Майда кукун ҳолатдаги тиканли ковул меваси ўзига хос хидли, яхши таъм бериш хусусияти билан ажралиб туради ва уни қуруқ, салқин жойда 25°C дан ошмаган ҳарорат ҳамда ҳавонинг нисбий намлиги 75% дан кўп бўлмаган ҳолда 2 йил давомида сақланиши мумкин эканлиги аниқланди (5-жадвал). Тиканли ковул доривор ўсимлиги меваси қоғоз пакетчаларга қадоқланди. Шуларни эътиборга олган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари учун зиравор сифатида қўллаш таклиф қилинди ва физик-кимёвий хоссалари (5-жадвал) ва микробиологик кўрсаткичлари (6-жадвал) аниқланди.

## 5-жадвал

## Тиканли ковул меваси кукунини физик-кимёвий кўрсаткичлари

Таркиби	Ташқи кўриниши, хиди	Таъми ва мазаси	pH	Кукун заррачалари ўлчами (100 мкм дан катта бўлмаслиги керак)	Сақла-ниш муддати (йил)
Ковул меваси кукунини	Оч жигар рангли ўзига хос хидли	Ўзига хос таъмли ва ним аччиқ,	5-5,4	82-90	2

Булардан ташқари тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» доривор ўсимлиги мевасини кукунини озиқ-овқат маҳсулотлари учун зиравор сифатида қўлланилиши учун унинг кимёвий таркиби, микробиологик тозаллиги ва уни таркибидаги захарли элементлар миқдорини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

## 6-жадвал

## Қуритилган тиканли ковул мевасини сифат кўрсаткичлари

Кўрсаткич номи	Талаблар	Тахлил натижалари
Ташқи кўриниши	Яшил ўз рангини сақлаб қолган	Мос келади
Мослиги	Таркибини тўлиқ сақлаб қолган	Мос келади
Микробиологик тозаллиги	1 грамм кукунда аэроб бактериялар сони $10^4$ дан ошмаслиги керак, энтеробактериялар ва баъзи граммманфий бактерияларнинг сони $10^2$ дан ошмаслиги керак.	Мос келади

Лаборатория шароитида СанПиН0366-19 бўйича текширилганда ковул доривор ўсимлиги мевасининг кукунини микробиологик кўрсаткичлари бўйича (7-жадвал), қуритилган мева кукунини таркибидаги инсон организмига салбий таъсир кўрсатувчи элементлар (кўрғошин, кадмий, симоб, маргамуш) аниқланмади (8-жадвал). миқдори бўйича меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига жавоб бериши аниқланди. Тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» доривор ўсимлиги мевасини кукунини хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Санитария қоида ва меъёрлари СанҚваМ 0366-19 да белгиланган меъёр талабларига мос келади. Тиканли ковул доривор ўсимлиги мевасини витаминларга бойлигини эътиборга олиб уни озиқ-овқат маҳсулотлари учун зиравор сифатида қўллаш таклиф қилинди.

## 7-жадвал

## Тиканли ковул меваси кукунини санитар-бактериологик текшүрүв натижалари

Г/р	Текширила-ётган намуна-нинг номи	Қандай ҳужжат асосида	КМАФАН М КМЕ/г ГОСТ 10444.15-94	ИТБГГ ГОСТ 30518-97	Потоген флора, г ГОСТ 30519-97	Ачитқи ва мофор, г ГОСТ 10444.12-2013
1	ковул мева зиравор кукунини	СанПиН 0366-19	$2,3 \cdot 10^3$ КМЕ/gr	0.001 г да топилмади	25г да топилмади	1.0 г да топилмади

**Тиканли ковул меваси кукуни таркибидаги захарли элементларни текшириш  
натижалари**

Т/р	Элементлар номи	Аниқланган концентрация	Ўлчов бирлиги(мг/кг)	Текширувдан қўланилган
1	Қўрғошин	Аниқланмади <0.5	мг/кг	ГОСТ 26932-86
2	Кадмий	Аниқланмади <0.2	мг/кг	ГОСТ 26932-86
3	Симоб	Аниқланмади <0.2	мг/кг	ГОСТ 26932-86
	Маргамуш	Аниқланмади <0.3	мг/кг	ГОСТ 26932-86

Шундай қилиб, тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» доривор ўсимлигини таркиби ва унинг таркибида турли хил витаминлар, микроэлементлар ва макроэлементлар борлиги аниқланди.

Тиканли ковул меваси кукуни нам шимувчанлик даражаси ва сақланиш муддати ўрганилди. Тиканли ковул доривор ўсимлигини ҳар хил ҳароратда қуритилган меваси кукунининг нам шимувчанлик даражасининг кинетик ўзгариши 9-жадвалда келтирилган. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, тиканли ковул меваси кукуни барча сифат кўрсаткичларида ўзгариш бўлмаганлиги, яъни кукуннинг ташқи кўриниши, таъми, хиди, мазаси ва кўрсаткичларининг хомашёга хошлиги ҳамда микробиологик тозаллиги, бўйича икки йил давомида ўзгармаслигини кўрсатди. Тиканли ковул мевасини турли ҳароратда қуритилган меваси кукунининг нам шимувчанлик даражасининг кичик қийматларга эга эканлиги бўйича, ўзининг барча сифат кўрсаткичлари бўйича ҳамда сақланиш муддати бўйича норматив-техник хужжатлар талабларига тўлиқ жавоб бериши аниқланди.

## 9-жадвал

**Тиканли ковул доривор ўсимлигини турли ҳароратда қуритилган меваси  
кукунининг нам шимувчанлик даражасининг динамик ўзгариши**

Вақт соат	Тиканли ковулни доривор ўсимлигини қуритиш ҳарорати, °С									
	40 °С	Намлик, %	60 °С	Намлик, %	80 °С	Намлик, %	100 °С	Намлик, %	120 °С	Намлик, %
Б/Н	112,81		112,67		132,96		128,39		110,65	
0,16	112,90	0,08	112,80	0,11	133,05	0,06	128,50	0,08	110,70	0,04
0,32	112,94	0,11	112,83	0,14	133,07	0,08	128,52	0,01	110,76	0,09
0,5	113,01	0,17	112,89	0,19	133,16	0,15	128,56	0,13	110,85	0,18
1	113,02	0,18	112,91	0,21	133,17	0,15	128,57	0,14	110,86	0,18
2	113,05	0,21	112,94	0,23	133,22	0,19	128,62	0,17	110,9	0,22
4	113,11	0,26	113,04	0,32	133,32	0,27	128,7	0,24	111,01	0,32
8	113,30	0,43	113,17	0,39	133,44	0,36	128,79	0,31	111,06	0,37
16	113,30	0,43	113,17	0,44	113,44	0,36	128,79	0,31	111,06	0,37

\* - Б/Н - бошланғич намлик.

## ХУЛОСАЛАР

1.Тиканли ковул доривор ўсимлигини мевасини таркиби ва турли ҳароратларда (хона ҳароратида, 40°C; 60°C; 80°C; 100°C; ва 120°C) қуритилган доривор ўсимлик мевасини таркибида турли хил витаминлар, микроэлементлар ва макроэлементлар миқдори аниқланди.

2.Тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» доривор ўсимлик мевасини қуритишнинг мақбул технологияси ишлаб чиқилди, AFRUZ KAMOL-NABI MCHJ да жорий қилинди ва қуритишдаги кутилаётган иқтисодий самарадорлиги 20 млн сўм/т эканлиги кўрсатиб берилди.

3. Тиканли ковул доривор ўсимлиги мевасини қуритишни оптимал ҳарорати статистик моделлаштириш асосида аниқланди. Статистик моделлаштириш асосида тажрибалар ёрдамида олинган натижаларни Лагранж ва Ньютон инетрполяция формулаларидан фойдаланиб ҳисоблаш асосида келтириб чиқарилган қуритиш ҳароратининг назарий қийматлари амалий натижалар билан адекватлиги кўрсатиб берилди.

4.Тиканли ковул «*Capparis spinosa L.*» доривор ўсимлиги мевасини оптимал кесиш қалинлиги 5x5 мм эканлиги аниқланди. Намуналарни турли ҳарорат (40°C; 60°C; 80°C; 100°C; ва 120°C) ларда қуритиб, сувли ва спиртли (70% этил спиртда) экстрактлари олинди. 60-80°C ҳароратда қуритилган намуналардан экстракция натижасида ажратиб олинган қуруқ экстрактнинг миқдори, ўрта ҳисобда, мос ҳолда 16,17 % ва 15,58 % га тенг эканлиги аниқланди.

5.Тиканли ковул қуритилган мевасидан кукун олинди, кукуннинг хавфсизлик мезонлари, сифат кўрсаткичлари, озикавий, биологик ва энергетик қийматлари ўрганилди ва олинган натижалар норматив-техник хужжатлар талабларига жавоб бериши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03.30.12.2019.Т.04.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ТАЖИБОВ ГОЛИБЖОН ГУЛОМЖОНОВИЧ**

**ТЕХНОЛОГИЯ ВЫСУШИВАНИЯ ПЛОДА ЛЕКАРСТВЕННОГО  
РАСТЕНИЯ КАПЕРСА КОЛЮЧЕГО (*CAPPARIS SPINOSA L.*)**

**02.00.17–Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки  
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА  
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тошкент-2023**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2021.3.PhD/T2361.

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета [www.tcti.uz](http://www.tcti.uz) и информационно-образовательном портале «Zivonet» ([www.zivonet.uz](http://www.zivonet.uz))

**Научный руководитель:** Инагамов Сабитжан Якубжанович  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Додаев Кочкор Одилевич  
доктор технических наук, профессор  
Гафуров Карим Хакимович  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:** Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «12» 04 2023 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03.30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21; факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: [tcti\\_info@edu.uz](mailto:tcti_info@edu.uz). Административное здание Ташкентского химико-технологического института, 2-этаж конференц-зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института (зарегистрирован под номером № \_\_). Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21.

Автореферат диссертации разослан «13» март 2023 года.  
(протокол рассылки № 30 от «13» март 2023 г.)



**С.М. Туробжонов**

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор наук д.т.н., профессор

**Х.И. Кадилов**

Членский секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней д.т.н., профессор

**К.П. Серкаев**

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день из года в год увеличивается использование полученных от переработки лекарственных растений продуктов в косметической, пищевой, медицинской и фармацевтической промышленности. В связи с возросшим спросом на сырьевые ресурсы лекарственных растений, разработка методов выращивания, хранения и первичной обработки в культурном виде является одной из важнейших задач, и совершенствование и внедрение в практику технологий сушки его плодов имеет актуальное значение.

В мире ведутся исследования, направленные на производство высококачественных обогащенных биологическими добавками сушеных полуфабрикатов для пищевой промышленности. В связи с этим, особое внимание уделяется созданию и апробации ускоренных технологий хранения и первичной переработки сельскохозяйственной, пищевой и фармацевтической продукции с сохранением ее специфических физико-химических свойств.

В нашей республике достигнуты определённые научные и практические результаты по разработке эффективной техники и технологий сушки плодово-овощных продуктов. В Стратегии развития Нового Узбекистана определены важные задачи по “поднятию отрасли на качественно новый уровень, глубокая переработка местных источников сырья, ускорение производства готовой продукции, освоение новых видов продукции и технологий”<sup>2</sup>. В этой связи, разработка оптимальных условий сушки местных лекарственных растений, в частности, плодов каперса колючего «*Capparis Spinosa L.*», с сохранением в его составе биологически-активных веществ, витаминов, макро- и микроэлементов, обеспечение потребностей фармацевтической промышленности к сырью лекарственных растений, посредством оптимизации малоэтапных непрерывных технологий с использованием местных реагентов для получения водных и спиртовых экстрактов высушенных плодов имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач Указа Президента Республики Узбекистан № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, Указа Президента Республики Узбекистан № УП-5032 «О создании свободных экономических зон» «Нукус-фарм», «Заамин-фарм», «Касонсой-фарм», «Сырдарья-фарм», «Бойсун-фарм», «Бустонлик-фарм» и «Паркент-фарм» от 3 мая 2017 года, Указа Президента Республики Узбекистан № УП-3532 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической промышленности» от 14 февраля 2018 года, Указа Президента Республики Узбекистан № УП-5388 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию плодовоовощеводства в Республике Узбекистан» от 29 марта 2018 года, Указа Президента Республики Узбекистан № УП-3682 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы внедрения инновационных идей, технологий и

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года ПФ-60 «о новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы

проектов» от 27 апреля 2018 года, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетами развития науки и техники республики V. «Сельское хозяйство, пищевая и фармацевтическая биотехнологии, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Научно-исследовательские работы по разработке методов культурного возделывания, хранения и первичной переработки лекарственных растений, разработке методов усовершенствованию и внедрению в практику технологий сушки плодов проводили М.Аккурф, Д.Бахрус, Б.Бала, А.К.Атыханов, А.В.Лыков, А.С.Гинзбург, Б.Дж.Бабаев, В.В.Красников, С.Г.Ильясов, В.В.Кафаров, Б.С.Сажин, К.М.Хазимов, Р.А.Захидов, Н.Р.Юсупбеков, З.С.Салимов, О.Ф.Сафаров, Ж.М.Курбанов, Х.Ф.Джураев, Н.Р.Авезова, А.А.Артиков, К.О.Додаев, З.С.Искандаров, С.А.Лутпуллаев, Ж.Э.Сафаров, Х.С.Нурмухамедов и другие.

Ими было разработаны процессы получения высококачественных полуфабрикатов для пищевой промышленности, обогащённых биологическими добавками, даны рекомендации по использованию эффективных методов сушки плодоовощных продуктов и внедрены в практику их технологии.

Кроме этого, ведутся научно-исследовательские работы, направленных на создание усовершенствованных конструкций установок переработки сельскохозяйственных, пищевых фармацевтических продуктов, определению оптимальных режимов процесса очистки, повышение эффективности переработки плодов каперса колючего «*Capparis spinosa L.*» на базе современных технологий.

**Связь диссертационной работы с научно-исследовательскими планами высшего учебного заведения, в котором выполнена диссертация.**

Диссертационная работа выполнена по плану научно-исследовательские работ Наманганского инженерно-технологического института в рамках прикладного проекта БВ-А-КХ-2018-424 «Разработка технологии соусных полуфабрикатов из плодоовощного сырья для предприятий общественного питания» (2018-2022).

**Цель исследования:** разработка эффективной технологии высушивания плода местного лекарственного растения каперса колючего (*Capparis spinosa L.*).

**Задачи исследования:**

Исследование химического состава плода и высушенного порошка местного лекарственного растения - каперса колючего;

на основе статистического моделирования определение оптимальной температуры высушивания плода каперса колючего и разработка оптимальной технологии его высушивания;

исследование оптимальных размеров нарезки плода каперса колючего, времени высушивания и динамики выделения влаги при высушивании;

исследование показателей качества порошка высушенного плода каперса колючего, полученного на основе предлагаемой технологии;

исследование критериев безопасности биологически активной добавки – порошка каперса, предназначенного для пищевых продуктов;

оценка возможностей сухой обработки каперса и определение ее экономической эффективности;

применение полученных при выполнении диссертационной работы результатов, рекомендаций и разработок, к промышленному производству.

**Объектом исследования** служили плоды местного лекарственного растения каперса колючего «*Capparis spinosa L.*» и полуфабрикаты (биологические активные добавки) на его основе, а также богатые витаминами, макро- и микроэлементами их экстракты.

